2019 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 32 (13.879)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларини демократлаштиришга, инновацион технологияларни жорий этишга, инсон салоҳиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шундай бир шароитда муайян соҳадаги вазиятни сифат жиҳатидан ўзгартириш ҳамда илғор хорижий ва маҳаллий назарий-методологик воситалардан фойдаланиш асосида уни ривожлантириш вазифаларини давом эттириш хусусида социологик сўровлар ўтказишнинг сифат жиҳатидан янги ва замонавий тадқиқот амалиётини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Халқаро амалиёт ва мамлакатимиз тажрибаси социологик тадқиқотларни ижтимоий шериклик принциплари асосида ўтказиш жараёнида ноҳукумат ташкилотларнинг салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш ва шу мақсадларда давлат буюртмасини сифатли бажариш, аҳолини мазкур жараёнга фаолроқ жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жамоатчилик фикрининг тизимли мониторингини таъминлаш ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида унинг натижаларидан фойдаланиш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида:

1. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази муассислари йиғилишининг уни **“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази** (кейинги ўринларда “Ижтимоий фикр” маркази деб юритилади) этиб қайта номлаш таклифига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар **“Ижтимоий фикр” марказининг асосий вазифалари** ҳисобланади:

а) қуйидагиларда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида, давлат ва жамият қурилишида – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада кучайтиришга, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар;

суд-ҳуқуқ соҳасида – қонун устуворлигини таъминлашга ва инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган ислоҳотлар;

иқтисодиётда – унинг рақобатбардошлигини оширишга, тармоқларни модернизация қилиш, либераллаштириш ва диверсификация қилишга, давлатнинг иқтисодий жараёнларда иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни амалга ошириш сифатини аниқлаш ва ўрганишга, хусусий мулкчилик ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган ислоҳотлар;

ижтимоий соҳада – аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга, унинг бандлигини таъминлашга, реал даромадларини оширишга ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришга, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, маданият, санъат, спорт, илм-фан ва бошқа йўналишларнинг сифатини оширишга, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини ва арзон уй-жойлар қуриш дастурларини амалга ошириш чора-тадбирларини бажаришга йўналтирилган ислоҳотлар;

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш даврида чақирув ёшидаги фуқароларга қулай шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

2019 йилдан бошлаб чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилади;

муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, жорий йил чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинади.

2. 2018 йилда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари 2019 йилнинг март-апрель ойларида резервга бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 22 февраль*

**XXI аср садоси**

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманганда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш борасидаги муҳим вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**• Бухоро шаҳрида I халқаро “Зиёрат туризми” форуми бўлиб ўтди. Форум Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Бухоро вилояти ҳокимлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, “Вақф” хайрия жамоат фонди, Ташқи ишлар вазирлиги, шунингдек, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамда БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти кўмагида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

**• Жиззах шаҳар Алишер Навоий кўчасидаги кўп қаватли замонавий бинонинг биринчи қаватида “Китоб дунёси” савдо мажмуаси филиали иш бошлади. Филиалда китобхонликни тарғиб этиш мақсадида “Энг китобхон мактаб”, “Омадли китобхон”, “Туғилган кун” каби акциялар ўтказиб, фаол иштирокчиларни дўкондаги исталган китобни танлаб олиш имтиёзини берувчи сертификатлар билан рағбатлантириш кўзда тутилмоқда.**

**• Термизда “Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари” кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда “Энг маҳоратли ва садоқатли профилактика инспектори”, “Адолатли яраштириш комиссияси”, “Энг обод ва осуда маҳалла раиси”, “Энг фаол хотин-қизлар қўмитаси раиси”, “Ички ишлар органи бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича энг фаол ўринбосари”, “Энг фаол ёшлар етакчиси” каби номинациялар ғолиблари ҳам муносиб тақдирланди.**

**• Қашқадарё вилоят иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси ташаббуси билан “Саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси – ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича мақбул имкониятлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда юртимиздаги иқтисодиёт ва саноат соҳаси мутасаддилари, вилоятдаги йирик саноат корхоналари, тижорат банклари, шунингдек, бошқа тегишли ташкилот ва муассасалар ходимлари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• ЖАРга европаликларнинг келишидан ҳам олдин мавжуд бўлган, аммо фанга маълум бўлмаган йирик шаҳарлар аниқланди. ЖАР Витватерсранд университети олимлари Йоҳаннесбург туманида изланишлар олиб борган. У ерда қадимий йирик шаҳарнинг излари топилган.**

**• Хавфли Bd замбуруғи дунё бўйича тарқалишда давом этса, бақа ва қурбақалар ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиши мумкин. Олимлар Bd — замбуруғнинг янги турини аниқлагандан буён ташвишланмоқда. У норасман “амфибия вабоси” деб аталмоқда.**

**• 2020 йилда Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳрида Илм-фан ва робототехника музейининг (Robot Science Museum, RSM) ўзига хос биноси пайдо бўлади. Объектни қуриш ҳуқуқи Туркиянинг Melike Altinisik Architects (MAA) архитектура компанияси томонидан қўлга киритилди.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ “БИЗНЕС ЮРИТИШ” ЙИЛЛИК РЕЙТИНГИДАГИ ЎРНИ ЯНАДА КЎТАРИЛАДИ

***Хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада яхшилашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.***

Мажлис кун тартибига киритилган барча масалалар сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи йиғилишларида дастлабки тарзда қизғин муҳокама қилинган эди.

Мажлисда алоҳида таъкидланганидек, бугун юртимизда давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама, жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш, барча соҳани либераллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, кейинги беш йил давомида Ўзбекистоннинг дунё мамлакатларида бизнес юритишга яратилган имкониятлар, қулайликлар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи қонунчилик нормаларини баҳоловчи энг нуфузли халқаро ташкилотлар – Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботи (рейтинг)даги ўрни 2 баравардан ортиқ яхшиланиб, жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146-ўриндан 2018 йилда 76-ўринга кўтарилди. Бироқ мамлакатимиздаги бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитлар халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Бу эса, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш вазифаси долзарблигича қолаётганини англатади.

Мажлис кун тартибига киритилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси айнан шу масалага қаратилгани, мамлакатимизнинг бизнес юритиш борасидаги имижини янада яхшилашга хизмат қилиши туфайли депутатларнинг қизғин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди.

*(Давоми 2-бетда)*

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЛК МАРОТАБА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЎТКАЗИЛАДИ

***Ҳар қандай давлатнинг тарихи – бу, биринчи навбатда, унда яшайдиган аҳолининг сони ва таркиби, унинг иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади. Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар рўйхатга олиш асосида олинади.***

Аҳолини рўйхатга олиш якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади.

Қатор ҳолатларда аҳолини рўйхатга олиш – аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат ҳудудида ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ушбу рўйхат маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистондаги мавжуд оилалар, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ўзбекистон ҳудудида кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Халқаро тавсияларга кўра, аҳолини рўйхатга олиш маълум бир тамойилларга асосланади. Масалан, аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг қатъий марказлаштирилиши ушбу тадбирни муваффақиятли ўтказишнинг асосий шартларидан биридир. БМТ тавсияларига кўра, аҳолини рўйхатга олиш 10 йилда камида бир маротаба ўтказилиши белгиланган. Мазкур тадбирни амалга ошириш учун кўп миқдорда махсус ходимлар ёлланади, уларнинг таркибига зиёлилар, талабалар ҳам киритилиши мумкин. Бу тадбирни амалга оширишга одатда 10-12 кун талаб этилади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастури – рўйхатга олишда муайян талабларни ҳисобга олган ҳолда, аҳолига мурожаат қилинадиган саволлар рўйхатини, маълумотларни қайд этиш, тўплаш, қайта ишлаш, якуний маълумотларни эълон қилиш тартибларини ўз ичига олади.

Аҳолини рўйхатга олишда кимдир унутиб қолдирилиши ёки икки марта рўйхатга олиниши ҳоллари учраса ҳам, мавжуд аҳолининг рўйхатдан жой олинишини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олишда индивидуал асосда ҳар бир шахс тўғрисидаги якка маълумотлар тўпланади. Шу билан бирга, респондентлардан олинган маълумотларнинг номсизлиги кафолатланади. Аҳолини рўйхатга олиш варақасидан фақат натижаларни умумлаштириш учун фойдаланилади.

Шахс тўғрисидаги маълумотлар сўралаётган (респондент)нинг жавоблари (кичик ёшдагилар учун – ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларнинг) асосида қайд қилинади ва буни ҳужжат билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Илгари Ўзбекистонда Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун қабул қилинмаган. Мазкур қонун лойиҳаси аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг мақсади, тартиби, даври ва муддатларини аниқлаш, аҳолини рўйхатга олишни ўтказишда иштирок этувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу жараёнларга қатнашиши учун аниқ механизмлар ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш манбаларини белгилашни назарда тутади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Аҳолининг сони, ёш-жинс таркиби, ҳудудий жойлашуви хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ҳолатларидаги ўзгаришлар аҳолининг жорий ҳисоби бўйича мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чекламоқда.

Ушбу долзарб масалаларни ҳал этиш ва халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги фармонига биноан Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепцияси тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишга кўмаклашиш бўйича Республика ҳамда ҳудудий комиссиялар таркиби ҳамда уларнинг вазифалари белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Аҳолини рўйхатга олиш бўйича ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳисобланади. Қўмита илмий ва олий таълим муассасалари иштирокида аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш бўйича илмий-услубий ва қўлланма материалларни тайёрлайди. Шунингдек, рўйхатга олиш варақаларини синов кўринишида тўлдириш бўйича амалий машғулотларни, кейинчалик хатоликларни таҳлил қилиш ва юзага келган қийинчиликларни тушунтириш орқали ўтказилишини амалга оширади.

*(Давоми 2-бетда)*

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

*• Пойтахтимизда Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази очилди.*

*• Тошкентда 1,8 миллион квадрат метрдан ортиқ йўл таъмирланиб, шу билан бир қаторда ҳудудларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.*

*• Алишер Навоий номли киносаройда жорий йилнинг 25 февралидан 4 мартга қадар 2018 йилда давлат ва хусусий киностудиялар томонидан яратилган бадиий, ҳужжатли ва анимацион фильмлар кўриги бўлиб ўтади.*

*• 25-28 февраль кунлари Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилади.*

*• “Пахтакор” клуби учун янги стадион қуриш ишлари 2020 йил январь ойида бошланади.*

*• Осиё Олимпия кенгаши президенти шайх Аҳмад Ал-Фаҳад Ал-Сабоҳ Тошкент шаҳрига ташриф буюрди.*

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, шунингдек, ташқи сиёсат соҳаларида – мамлакат мудофаа қобилиятини, фуқаролар ўртасида ва динлараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлашга, ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган ислоҳотлар тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

б) фуқаролар дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишларини, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онги ҳолати ва мазмунини белгилаш, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

в) ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳолати ва динамикаси тўғрисида, аҳолининг ижтимоий фикри ҳақида ишончли ахборотни тарқатиш;

г) хорижий тадқиқотчилик амалиётида фаол фойдаланиладиган ва замонавий ахборот ёндашувларига таянадиган социологик тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш техникаси ва технологияларини ишлаб чиқиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва уларнинг кенг усулларини қўллаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш методологик асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш.

3. "Ижтимоий фикр" маркази, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг:

"Ижтимоий фикр" маркази томонидан Таъсисчилар кенгаши томонидан ҳар йили маъқулланадиган социологик тадқиқотлар режасига мувофиқ социологик тадқиқотлар ўтказиш тартибини сақлаб қолган ҳолда "Ижтимоий фикр" марказининг раҳбар ва илмий ходимларига бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишлар илмий-техник дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шартларини, Марказнинг бошқа ходимларига эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига идоравий мансуб муассасалар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини татбиқ этиш;

"Ижтимоий фикр" марказини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига ҳар йили "Ижтимоий фикр" марказининг буюртманомаларига кўра марказнинг асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни кўзда тутиш тавсия этилсин.

4. "Ижтимоий фикр" маркази томонидан **ўтказилган социологик сўров натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида мунтазам муҳокама қилиш** ва улар бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш амалиётга жорий этилсин.

Белгилансинки, "Ижтимоий фикр" маркази томонидан ўтказилган социологик сўров натижалари оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари, босма нашрлар ва Марказнинг веб-сайтида доимий ёритиб борилиши зарур.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ижтимоий фикр" маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда социологик сўровлар якунларини ёритиш мақсадида "O'zbekiston 24" телеканалида доимий фаолият юритадиган **"Ижтимоий фикр" ("Общественное мнение")** махсус рукни ташкил этилишини таъминласин.

5. **2019-2020 йилларда "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини ускуналар, техника ва бошқа воситалар билан жиҳозлаш дастури** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ижтимоий фикр" марказининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра унинг моддий-техник базасини яхшилаш учун зарур бўлган ускуналар, техника ва бошқа воситаларни, шунингдек, ушбу Дастурда келтирилган хорижий илмий ва махсус адабиётларни харид қилишга маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда:

"Ижтимоий фикр" марказини зарур алоқа воситалари, жумладан, ҳукумат алоқаси билан, Интернетга кенг полосали уланишини таъминласин ҳамда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда видео анжуманлар, интернет-форумлар ва телекўприкларни ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин;

"Ижтимоий фикр" марказига телефон ва Интернет тармоғи орқали ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва мамлакатимиз ҳаётининг бошқа йўналишларига доир долзарб жорий масалалар юзасидан **аҳоли ўртасида блиц-сўров ўтказиш учун call-марказини ташкил этишда** амалий ва техник ёрдам кўрсатсин;

"Ижтимоий фикр" марказининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни мониторинг ва таҳлил қилиш мақсадида **"Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси", "Қўнғироқларни қайта ишлаш маркази" (телефон рақамлари 10-00, (0800) 210-00-00) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг** ахборот тизимлари фаолиятига доир статистик ва бошқа ахборотлардан фойдаланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий тадқиқот марказлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда, замонавий усул ва ёндашувлар асосида социологик сўровлар ўтказишни ташкиллаштириш кўникмаларини ошириш мақсадида уларнинг малакали мутахассисларини жалб этишда "Ижтимоий фикр" марказига кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб "Ижтимоий фикр" марказининг буюртманомаларига кўра **республикадаги олий таълим муассасалари талабалари тегишли таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш амалиётидан ўтиши учун** мазкур Марказга мунтазам юборилишини таъминласин;

республикадаги тегишли олий таълим муассасалари билан биргаликда икки ой муддатда **2019/2020 ўқув йилидан бошлаб социология ва социологик тадқиқотлар кафедраларини очиш** чоралари кўрилишини таъминласин.

9. "Ижтимоий фикр" маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва "Тараққиёт стратегияси" марказининг **Ўзбекистон социологлари ассоциациясини** ташкил этиш ҳамда қуйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

илмий тадқиқотлар, ижтимоий мезонлар методологиясини такомиллаштириш бўйича ишларда, мамлакатимиз социология ҳамжамиятининг интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятини юксалтиришда иштирок этиш, шу жумладан, ижтимоий тажрибалар ўтказиш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистонда ва хорижда демографик жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишга кўмаклашиш;

социологлар ва бошқа ходимларнинг малакасини ошириш;

олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига социология фанидаги энг янги ютуқларни ва социологик тадқиқотлар ўтказишнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш бўйича улар билан ҳамкорлик қилиш;

халқаро ва хорижий социологлар ассоциациялари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли социологик ишларни, шу жумладан, хорижда ўтказиш мақсадида консорциум ташкил этиш;

Халқаро социологлар ассоциациясига аъзо бўлиш, бутун жаҳон социологик конгресслар ва форумларда иштирок этиш.

10. "Ижтимоий фикр" маркази:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, молия, иқтисодиёт ва саноат, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахбороти;

Ўзбекистон Респубикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бюллетенлари ва кундалик маълумотлари тўплами;

хорижий матбуот шарҳлари ва илмий-тадқиқот институтлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтининг ижтимоий-иқтисодий соҳага оид таҳлилий маърузалари мажбурий жўнатиладиган реестрга киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги 2020 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда "Ижтимоий фикр" марказининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Марказ ва ташкил этиладиган Ўзбекистон социологлари ассоциацияси биноларида таъмирлаш-тиклаш ишлари ва уларни техник ўқитиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича лойиҳалар киритилишини белгиланган тартибда назарда тутсин.

12. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Ж.Хаджаев ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимовга – социологик сўровлар натижаларининг оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари ва босма нашрларда мунтазам ёритиб борилиши учун;

вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига – "Ижтимоий фикр" марказига унинг вазифаларини самарали амалга оширишда ҳар томонлама ва тўлиқ кўмаклашиш учун шахсан жавобгар экани кўрсатиб ўтилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги ПФ-1791-сонли Фармонининг 2.1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда "Ижтимоий фикр" марказини мазкур Фармонга мувофиқ унинг номи ўзгартирилганини ва устувор вазифалари белгилаб олинганини ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказсин;

ташкил этилаётган Ўзбекистон социологлари ассоциациясини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин, устав органларини шакллантиришда унга ҳар томонлама кўмаклашсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 22 февраль*

*Тошкент шаҳар ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ 2019 ЙИЛДА МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 215-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаларининг (кейинги ўринларда матнда "транспорт воситаларининг" деб юритилади) 2019 йилда мажбурий техник кўригини (кейинги ўринларда матнда "техник кўриги" деб юритилади) ташкил қилиш мақсадида, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳридаги транспорт воситалари ва уларга тиркамалар 2019 йилда белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Тошкент шаҳрида транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини 2019 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳрида транспорт воситалари жорий йилда қуйидаги даврийликка мувофиқ:

тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалар — бир йилда икки марта (биринчи марта — 1 март - 30 июнда, иккинчи марта — 1 сентябрь - 31 октябрда);

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалардан ташқари) — икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалардан ташқари) — бир йилда бир марта;

тиркамалар кўрикка транспорт воситаси – шатакчи учун белгиланган муддатларда;

навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно) техник кўрикдан ўтказилади.

4. Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март — 30 июнда ўтказилади.

5. Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь — 31 августда ўтказилади.

6. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йиғим ундирилади.

7. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ (Б.Нигманов), туман ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ (Б.Нигманов):

транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш тартиби ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали омма эътиборига етказиш ишлари ташкиллаштирилсин;

юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда юридик шахсга, тегишли ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юборилиши, техник кўрик бошланишидан камида ўн кун олдин белгиланган тартибда юридик шахсдан тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши;

жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда, техник кўрикдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда транспорт воситаси эгасидан ёки унга ваколатли шахслар томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши;

техник кўрикдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқарган комиссия таркибидаги масъул ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

9. Техник кўрик давомида комиссия таркибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолиниши инобатга олинсин.

10. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Рахманкулов зиммасига юклансин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Ж.Артикходжаев**

*2019 йил 20 февраль*

# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЛК МАРОТАБА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЎТКАЗИЛАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда рўйхатга олиш натижаларини қайта ишлаш бўйича моддий-техник воситаларни сотиб олиш, сервер ускуналари, сканерлар ва бошқа офис техникалари билан таъминлаш бўйича тендерлар ўтказишда масъул ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда, рўйхатга олиш тадбири ўтказилиши ҳақида аҳолини хабардор қилиш, тарғибот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, шиорлар чиқариш ва бошқа шу каби тадбирларни амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари зиммаларига ҳам бир қатор вазифалар юклатилган.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга кўмаклашиш учун зарур ҳолларда қўшимча равишда бошқа вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар жалб этилиши мумкин.

Хўш, республикамизда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш бизга нима беради?

**Биринчидан,** маълум бир санада аҳолининг аниқ – (ёши ва жинси таркиби, фуқаролиги, миллий таркиби), барча аҳоли пунктлари бўйича сони, оилавий аҳволи, маълумоти, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, бандлиги (касби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олинади.

**Иккинчидан,** бу маълумотлар аҳоли жон бошига макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда (ялпи ички маҳсулот, аҳоли даромадлари, саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол маҳсулотлари ҳажми, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) ишлатилади.

**Учинчидан,** аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

**Тўртинчидан,** Республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот сифатида фойдаланилади.

**Бешинчидан,** статистика идоралари томонидан ташкил этиладиган танлама кузатувларни ташкил этишда маълумотлар базаси сифатида қўлланилади.

**Олтинчидан,** миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритишда хизмат қилади.

**Еттинчидан,** аҳоли пунктларининг инфратузилмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади.

**Саккизинчидан,** халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар томонидан амалга ошириладиган таҳлиллар учун кенг қамровли ахборотлар манбаи ҳисобланади.

Бундай маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратиш, фан ва жамиятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

**Бекзод ШОДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Давлат статистика қўмитаси**
**Демография ва меҳнат статистикаси**
**бошқармаси бошлиғи**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ "БИЗНЕС ЮРИТИШ" ЙИЛЛИК РЕЙТИНГИДАГИ ЎРНИ ЯНАДА КЎТАРИЛАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қайд этилганидек, лойиҳада "Бизнес юритиш" ҳисоботи методологиясида қулай тадбиркорлик муҳитини яратишга қаратилган талабларни қонун ҳужжатларига киритиш назарда тутилган. Яъни, қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ, эндиликда юридик шахсларнинг кўчмас мулкини сотиш тўғрисидаги шартномасини нотариал тасдиқлашнинг мажбурий тартибини ҳамда акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятларнинг устав капиталининг минимал қийматига қўйилган талабларни бекор қилиш ва устав капиталининг энг кам миқдорига оид талабларни лицензия талаблари билан белгилашга доир нормалар киритилмоқда. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари устав капиталидаги чет эллик инвесторнинг улуши камида 15 фоизни ташкил этиши кераклиги тўғрисидаги талабни ҳам бекор қилиш кўзда тутилмоқда. Акциядорлик жамиятлари томонидан қўшимча акциялар чиқарилишида акциядорларга ўзларининг улушларини сақлаб қолишлари учун имтиёзли ҳуқуқ бериш, акциядорлик жамиятлари томонидан аудиторлик текширувини албатта ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ваколатини фақатгина акциядорлар умумий йиғилишига бериш назарда тутиляпти.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши корхоналардаги корпоратив бошқарувни яхшилаш, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияни (Минск, 1995 йил 26 май) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси умумий манфаатларга тааллуқли ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва масалаларни муҳокама қилиш мақсадида 1992 йил 27 мартдаги МДҲ иштирокчи-давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Келишувига мувофиқ маслаҳат институти сифатида ташкил этилган.

МДҲ Парламентлараро Ассамблеясининг мустақил давлатлараро ташкилот сифатидаги мақоми 1995 йил 26 майдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияга асосан МДҲ давлат раҳбарларининг Минск (Беларусь Республикаси) мажлисида тўлиқ белгиланган. 1996 йил 16 январдан кучга кирган мазкур конвенцияга МДҲ иштирокчи-давлатларининг барчаси аъзо ҳисобланади. МДҲ ПА фаолиятида иштирок этаётган барча давлатлар мазкур ҳужжатни ратификация қилган.

Депутатларнинг нуқтаи назарига кўра, Ўзбекистоннинг мазкур тузилмада иштирок этиши МДҲ иштирокчи-давлатларининг миллий қонунчилигини яқинлаштиришга қаратилган ҳамкорлигини янада ривожлантиради ва уни муваффақиятли амалга ошириш учун тегишли механизмларни яратишга хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятини хабардор этиб боришда муҳим омил бўлади. Энг муҳими, парламентлар даражасида мунтазам алоқалар ўрнатиш ва хорижий шериклар билан самарали муносабатларни конструктив ривожлантиришда, мамлакатимизнинг миллий манфаатларини илгари суришга қаратилган муносабатларни фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати**

Бугуннинг гапи

# ҲАР БИР МАСАЛА ЕЧИМИДА ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ ТОМОШАБИН БЎЛИБ ҚОЛМАСИН

***Хабар қилинганидек, Тошкент шаҳар ҳокими депутатлар билан бўлиб ўтган учрашувда аҳолини уй-жойларга кўчириш масаласида бир қатор муаммолар юзага келаётганини таъкидлади.***

– Уйлари бузилиб, янги турар-жойларга кўчирилаётган аҳолига тушунтириш ишларини олиб боришда зиддиятлар юзага келмокда. Мисол учун, 16 нафар одамдан 14 таси янги уйга кўчиришга рози. Лекин иккитаси кўчмайман, бу менинг ота уйим, деб оёқ тираб туради. Компенсация тўланишига ҳам, уйнинг ошириб баҳоланишига ҳам рози бўлмай тураверади. Бундай вазиятда биз нима қилишимиз керак?!

Бу борада тушунтириш ишларини олиб боришда депутатларнинг фаолроқ бўлишини истардим. Чунки уларни халқнинг ўзи ишониб сайлаган. Халқ норози бўлса, дардини депутатларга айтсин. Улар аҳолига қонунда нима, қай тартибда белгиланганини тушунтирсин. Эътироз ўринли бўлса ҳал этамиз, – деди шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев.

* * *

***Куни кеча шаҳар ҳокимлиги қошидаги жамоатчилик Кенгаши пойтахтдаги бир қатор бузилиш ишлари юзасидан баёнот берди:***

"Ижтимоий тармоқлардаги муҳокамалар, шаҳар маъмурияти вакилларининг баёнотлари, шунингдек, ўтган ҳафта давомида шаҳар аҳлининг фикрини таҳлил қилиб, жамоатчилик кенгаши фуқаролар ўзини ҳимоясиз ҳис этиши, Тошкентда эски турар-жойларни янгилаш, шаҳарсозлик лойиҳасини ривожлантириш тартибсиз олиб бориши оқибатида шахсий мулкка нисбатан таҳдидларни билиши – йўл қўйиб бўлмас ҳолат, деб ҳисоблайди.

Шу муносабат билан, Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаевнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчилар билан учрашувда билдирган фикрини инобатга олиб, биз шаҳар маъмуриятининг амалдаги қонунлар асосида ҳаракат қилишга интилишини қўллаб-қувватлаймиз", – дейилади баёнотда.

Унда айтилишича, ўзгариш, қурилиш лойиҳалари ва йирик дастурларни амалга оширишнинг бошқа жиҳатлари маҳаллий аҳоли билан келишилган ҳолда амалга ошириш масаласи амалдаги қонунларда назарда тутилмаган. Шунингдек, товон тўлаш тартиби ҳам аҳолининг норозилигига сабаб бўлади. Кенгаш қуйидаги масалаларга эътиборни қаратишни таклиф қилмокда:

– Шаҳар бош лойиҳаси, ривожланиш стратегияси ва шаҳарсозликка оид бошқа ҳужжатлар мавжуд эмаслиги туфайли қурилиш бўйича қабул қилинаётган қарорларда шаффофликнинг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Аҳоли турмушини тўғри режалаштириши, сармоядорлар ўз лойиҳаларини осон амалга ошириши учун Тошкент шаҳар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни оммага эълон қилиш зарур. Бунда, янги биноларнинг лойиҳалаштирилишида эскирган муҳандислик коммуникациялар ва инфратузилмага юкламанинг ўсиб бориши инобатга олиниши керак.

– Янгиликларни татбиқ этишда Тошкент шаҳрининг ўзига хослигини унутиб қўймаслик. Туризм соҳаси мамлакат ривожида муҳим йўналиш эканлигини унутмаслик лозим.

Шу туфайли жамоатчилик кенгаши шаҳардаги маданий, тарихий ва меъморий қийматга эга бинолар рўйхатини шакллантиришга чақирмокда. Шунинг билан, аниқ талабларга мос келадиган биноларнинг бузилишига чек қўйилиши керак.

– Бугунги кунда хонадон ва мулк эгасининг ҳақ-ҳуқуқи тўлиқ таъминланмаган. Шундай экан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ерни олиб қўйишнинг аниқ мезонлари йўқ, шу сабабдан бу амалиёт ўта даражада қонундан четлашга олиб келяпти. Хусусий мулкка эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлаш орқали бундай амалиётга барҳам бериш мумкин. Уй бузилишида эса бозор баҳосини инобатга олиш – асосий масалалардан бири. Шунингдек, ер ажратиб беришда ҳам аукцион орқали ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

***Пойтахтимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Комиссия томонидан қатор мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида давлат дастурининг мазкур соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида белгиланган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида семинар бўлиб ўтди.***

## ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Шаҳримизда 2019 йилда 12 та соғлиқни сақлаш муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бу мақсадлар учун 109 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, тез тиббий ёрдам хизмати учун олтита замонавий махсус транспорт воситаси ажратилиши кўзда тутилмокда. Шу билан бирга яна 32 та хусусий тиббий марказ қурилиши ҳамда 26 тасининг фаолиятини янада кенгайтириш белгиланган.

Мазкур тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимлиги, давлат органлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш ходимлари иштирок этди. Семинарда депутатлар шаҳарда тоза ичимлик суви таъминоти масаласи ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш борасида ҳам аниқ чоралар белгилаб олишди.

Депутатлар Тошкент шаҳрида аҳоли бандлиги ва реал даромадларни изчил оширилиши, хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## УЧРАШУВЛАРДА МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

***Аҳолини йиллар давомида қийнаб келган муаммоларни аниқлаш, уларни иложи борича жойида ҳал этиш, ечимини кутаётган масалалар бўйича прокуратура органлари томонидан мунтазам ҳамшаҳарларимиз билан учрашувлар ўтказиб келинмоқда.***

Хусусан, Бош прокуратуранинг Транспорт, қурилиш соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ходимлари томонидан Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида ҳудуд аҳолиси билан учрашувлар ўтказиш тизимли йўлга қўйилган.

Ана шундай учрашувлардан бири Яккасарой тумани "Яккасарой" маҳалласи фуқаролари билан ўтказилди. Тадбирда бошқарма ходимлари томонидан шаҳарда олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг амалдаги тизими, ижтимоий-иқтисодий дастурлар лойиҳаларининг мазмуни, манзилли ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос хусусиятлари, сектор раҳбарлари томонидан уйма-уй юриш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, коммунал соҳа, жумладан ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурлар, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби каби қатор масалалар юзасидан суҳбат ўтказилди.

— Мамлакатимизда давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади, — дейди Бош прокуратуранинг Транспорт, қурилиш соҳаси ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси прокурори Адҳам Одинаев. — Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилиши борасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг асосий мақсадларидан бири аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак". Сайёр учрашувлар оддий одамлар ҳаётига ўзгаришлар олиб келса, муаммоларига ечим топса, олдидаги тўсиқларни олиб ташлашга ёрдам берса шундагина самара бўлади. Учрашувлар ўтказишдан мақсад ҳам аслида шунга қаратилган.

Мурожаатлар асосан банкдан кредит олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турар-жой, коммунал хизмат, ичимлик суви, ички йўлларни таъмирлаш каби ўндан ортиқ масала хусусида бўлиб, аксарияти жойида ижобий ҳал этилди.

— Маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одат, анъаналар шаклланган маскан ҳисобланган, — дейди "Яккасарой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳритдин Зайнутдинов. — Маҳалламиздаги 44 та кўп қаватли уй, 574 та ерли хонадонда 6 мингдан зиёд аҳоли яшаб келмоқда. Мазкур тадбир аҳоли мурожаатларига бағишланди. Ҳар бир мурожаатлар ортида инсон омили ётади. Ҳаёт олдимизга қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни вақтида ечиш ҳақида мутtасил қайғуриш, бу йўлда фидойи бўлиб, ҳаловатдан воз кечиб, одамлар дарди билан яшашни даврнинг ўзи ҳар биримиздан талаб этмоқда. Бунда одамлар билан доимий мулоқот қилиш, кундалик ташвишлари битилган мурожаат ва шикоятларни кечиктирмай кўриб чиқиш, бу борада турли расмиятчилик, бюрократия ҳақида сансалорлик ҳолатларига барҳам бериш жуда муҳимдир. Маҳаллани ободонлаштириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга эътибор, аҳолининг бандлигини таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳудудни янада обод қилиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган ишлар келгусида ўзининг самарасини бериши шубҳасиз.

Маҳалла аҳолиси ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан мутасаддиларга мурожаат қилишди.

Жумладан, Кичик ҳалқа йўли, 12-уйда яшовчи Тельман Абдуллаев Шота Руставели кўчасидаги пиёдалар йўлагини таъмирлаш масаласида мурожаат қилди. Бадриддин Ҳилолий 3-тор кўчаси, 110-уйда истиқомат қилувчи Лола Рустамова эса канал ёқасидаги уйларнинг бузилиши ҳақидаги саволни берди. Аҳолининг ҳар бир мурожаати тингланиб, жавоблар қайтарилди.

Мутасадди ташкилот вакиллари йиғилганларни қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб берди. Шу ернинг ўзида ҳал бўлмаган, қўшимча текширув ва ўрганиш талаб қиладиган ариза ва шикоятлар ёзиб олинди. Мазкур муаммолар белгиланган муддатларда ўрганилиши, унинг ижобий ечимини топиб фуқароларга етказиш маълум қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## ПОЙТАХТИМИЗДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

***Жорий йилнинг январь ойида Тошкент шаҳрида 631,1 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,1 фоизни ташкил этди.***

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари ҳажми 178,6 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 96,6 фоизни ташкил қилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 28,3 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда кичик корхона ва микрофирмалар 312,3 млрд. сўм ёки 114,1 фоизни (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 49,5 фоиз) ҳамда норасмий сектор 140,1 млрд. сўм ёки 91,0 фоиз (жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 22,2 фоиз)ни ташкил этди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Миробод туманида бажарилган бўлиб, шаҳарда бажарилган жами қурилиш ишларининг 18,1 фоизини ташкил этди, Мирзо Улуғбек туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 14,3 фоизни, Чилонзор туманида 13,3 фоиз, Юнусобод туманида 9,2 фоиз ва Яккасарой туманида 8,8 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми, яъни 63,2 фоизи қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар-жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Фуқаролик объектлари қурилиши ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда жамига нисбатан 36,8 фоизни ташкил қилди.

**Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси**




## БОЛАЖОНЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН "КАМАЛАК"

***Ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болаларни ихтиёрийлик, ошкоралик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги тамойили асосида бирлаштирадиган ва уларни миллий ғояга содиқлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти ташкил этилган.***

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятини янада жонлантириш, олиб бораётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор тизимли тадбирлар амалга ошириб келинмокда. Жумладан, "Камалак" болалар ташкилоти фаолиятига оид "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганамиз" шиори остида кўплаб тадбирлар, "Обод маҳаллам, кўркам маҳаллам", "Камалак" маҳаллада", "Камалак" аъзосиман", "Ёзни "Камалак" билан!", "Камалак"дан Янги йил", "Биз бир сафдамиз", "Қадрият, урф-одат, анъана ва болалар" фестивали, "Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида" семинари, "Болалар спартакиадаси", "Камалак" билимдонлари", "Энг намунали "Камалак" болалар ташкилоти" кўрик-танлови ҳамда "Ватан, дўстлик ва бахтли болалик учун!" шиори остида ўтказиладиган "Камалак" болалар ташкилотининг анъанавий анжуманлари ташкил этилиб келинмокда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти томонидан I Раёсат йиғилишида бу ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Унда пойтахтимиздан сайланган 35 нафар Раёсат аъзолари иштирок этди.

Тошкент шаҳрида 308 та умумий ўрта таълим мактаблари, Меҳрибонлик уйлари, мактаб интернатлар мавжуд бўлиб, улардан 303 тасида "Камалак" болалар ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда 295 969 нафар ёшлар "Камалак" болалар ташкилотига жамланган. Шулардан 159 178 нафари "Камалак" сардори ҳисобланади.

Йиғилишда "Камалак" болалар ташкилотининг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи эшитилди ҳамда ташкилот фаолиятини янада кучайтириш, тизимда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари, келгусидаги истиқболли режалар белгилаб олинди.

**Бекзод ИСАЕВ**


## Реклама ва эълонлар

Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 16.08.2018 йилда № 629977 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "ECO MIR FARM" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305705898) таъсисчининг 2019 йил 22 февралдаги 01-сонли қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобад тумани, Мингўрик кўчаси, 8-уй. Даъво ва аризалар икки ой муддат ичида +99897 705-23-31 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 мавзеси, Олтинсой кўчасида жойлашган "SOBIR-KAPITAL-INVEST" МЧЖга тегишли 244 ва 247-сонли дўконларга 25.10.2010 йилда расмийлаштирилган 1008030020173 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Юнусобод 12-мавзеси, 29-уй, 16-хонадон учун Хамидов Абдулхат Шакирович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейи томонидан 2010 йилда Икрамов Дилмурод Жавохир ўғли номига берилган L №094675 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент иқтисодиёт коллежи томонидан 2018 йилда Тоиров Элмурод Зохитжон ўғли номига берилган К №5316542 рақамли (рўйхат рақами № 2568) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 04.10.2017 йилда № 546326 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "MAGICAL CRAFTS GROUP" хусусий корхонаси (СТИР: 305081498) таъсисчининг 2019 йил 21 февралдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Фароғат 4-тор кўчаси, 4-уй.

Даъво ва аризалар икки ой муддат ичида +99893 581-23-13 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети раҳбарияти ва жамоаси "Кончилик иши" кафедраси мудири Ҳайитов Одилжон Гафуровичга отаси

**Ғафур ота ҲАКИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



## Реклама ва эълонлар



**ЭЪЛОН**

Тошкент молия институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли "**Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**"ги қарори билан тасдиқланган низомнинг 12-бандига асосан қуйидаги сайлаш муддати ушбу ўқув йилида тамом бўладиган, бўш лавозимларни **эгаллашга танлов эълон қилади.**

1. **"Молиявий менежмент":** кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
2. **"Баҳолаш иши ва инвестициялар":** кафедра мудири, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
3. **"Чет тиллари":** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
4. **"Ижтимоий фанлар":** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
5. **"Банк иши":** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
6. **"Банк ҳисоби ва аудит":** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
7. **"Ўзбек ва рус тиллари":** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
8. **"Менежмент ва маркетинг":** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
9. **"Молия":** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
10. **"Пенсия иши":** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
11. **"Иқтисодиёт назарияси":** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
12. **"Бухгалтерия ҳисоби":** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
13. **"Аудит ва иқтисодий таҳлил":** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
14. **"Бизнес ва тадбиркорлик":** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
15. **"Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши":** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
16. **"Солиқлар ва солиққа тортиш":** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
17. **"Суғурта иши":** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
18. **"Олий ва амалий математика":** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
19. **"Эконометрика ва рақамли иқтисодиёт":** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).

Танловда чет тили ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мукаммал ўзлаштирган педагог-ходимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент молия институтининг (Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй) ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Тел. (71) 234-45-86.

**Пудрат ташкилотлари диққатига!**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчасида жойлашган 48-уй олди қисмида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ракат филиали томонидан мижозларга хизмат кўрсатувчи 24/7 шохобчасини қуриш ишлари бўйича махсус лицензияга эга пудрат ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 2А-уй.

Телефонлар: 99871 215-62-77, 99890 935-67-08, 99890 918-40-42.

Ишларни бажариш қиймати кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади

"Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино 1-мавзеси, 9-уй, 14-хонадон учун Журабоев Дилмурод Каримжоновичга берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**







Қарор ва ижро

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигида аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги ишлар самарадорлиги, истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Унда жисмоний тарбия ва спорт вазири Дилмурод Набиев Ўзбекистон том маънода спорти ривожланаётган мамлакатга айлангани, пировардида, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи қарор топиб, спортнинг оммавийлиги таъминланаётгани ва спортчиларимиз жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида юксак ғалабаларни қўлга киритиб, мамлакатимиз салоҳиятини дунёга намоён қилаётганини таъкидлади.

Маълумки, 2018 йилнинг 20 сентябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишда соҳада мавжуд муаммолар санаб ўтилиб, уларни ҳал қилиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бу вазифаларни сифатли бажариш, шунингдек, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2018 йилнинг октябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир, Тахиатош ва Қўнғирот туманлари ҳамда Нукус шаҳри мисолида намунавий модель яратилди.

2018 йилнинг октябрь ойидан бошлаб илк бор "Таълим муассасалари ҳафталиги", "Хотин-қизлар ҳафталиги", "Маҳалла ҳафталиги", "Нуронийлар ҳафталиги", "Ёшлар ҳафталиги" каби шиорлар остида аҳоли кенг қатламини спортга жалб қилиш бўйича ҳафталик спорт тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Президентимиз томонидан 2018 йил 18 декабрь куни имзоланган "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида профилактика чора-тадбирларини самарали мувофиқлаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг жисмоний фаоллигини оширишни ташкил қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш мақсадини кўзлайди.

Мазкур қарорда давлат органлари ва ташкилотларида иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари, ҳафтасига камида бир маротаба ходимларнинг спорт оммавий тадбирларида иштирок этиши назарда тутилади. Мунтазам равишда ходимлар орасида оммавийлашган спорт турлари бўйича мусобақалар ва бошқа жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар ўтказиб борилишини амалиётга жорий этиш белгилаб қўйилган.

Давлат органлари ва ташкилотларга технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажаришлари учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар белгилаш вазифаси юклатилган.

Жорий йилнинг 7 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширганлиги учун ушбу ташкилотлар раҳбарларини рағбатлантириш тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Ушбу низомга мувофиқ, рағбатлантириш танлов ўтказиш йўли билан амалга оширилиши белгиланди. Танлов ғолиблари 10 сентябргача аниқланади ва сертификат, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдоридаги пул мукофоти, қимматбаҳо совғалар, шунингдек, "Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланади.

Шунингдек, 2019 йил 29 январда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида"ги қарори ҳам қабул қилинди.

Мазкур қарордан кўзланган асосий мақсад аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли одатлардан асраш ҳамда ҳар бир маҳалла, таълим муассасалари, меҳнат ташкилотларида жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини самарали ташкил этишдан иборатдир.

Бу қарор юзасидан барча вазирликлар ва идоралар, ташкилотлар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик шахс кўринишидаги корхоналар ходимлари мунтазам равишда 3-5 дақиқалик ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланади.

Барча ёшдаги аҳоли ўртасида доимий равишда "Алпомиш" ва "Барчиной" тестларини мусобақа тарзида ўтказиш йўлга қўйилади. Ушбу тестларнинг ғолиб ва совриндорлари I, II ва III даражали кўкрак нишонлари билан рағбатлантириб борилади. Кўкрак нишонларига мос равишда тегишли гувоҳномалар ҳам жорий этилган.

"Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тестларини қабул қилиш ва мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, синовлар 12 ёш тоифасида, 32 турдан иборат машқларда ўтказилади.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан бадантарбия машғулотларини тарғиб қилишга қаратилган спорт-соғломлаштириш машқлари дастури ишлаб чиқилди.

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 2018 – 2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

11 та боб, 53 банддан иборат ушбу концепция республикада жисмоний тарбия ва спортни фаол ривожлантириш, аҳоли барча қатламларини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзининг фойдаси ва устунлигини кенг тарғиб қилиш, мамлакатда яратилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт инфратузилмасидан тўлақонли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Матбуот анжуманида жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Набиев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

**Ҳар ким ўз қадрини билгани яхши,**
**Ўшанга кўра иш қилгани яхши.**

* * *

**Ғолибликка интилган бир умр мағлублигича қолиб кетмайди.**

* * *

**Ўзини чеклай олмаган киши кўп нарсадан маҳрум бўлади.**

* * *

**Соғлигинг ҳақида соғ эканлигингда қайғур – кейин кеч бўлади.**

* * *

**Қандай сукут сақлашни ҳам билиш керак.**

* * *

**Ўзига ишончи йўқнинг ҳаётда қувончи йўқ.**

* * *

**Ҳар хил воқеалар – инсоннинг табиатини намоён қилувчи кўзгу.**

* * *

**Аҳмоқнинг ичида сир ётмайди.**

* * *

**Илм ҳилм билан.**

* * *

**Бир ишни қилиб пушаймон бўлгандан, қилмай армон қилган афзал.**

* * *

**Бировники ҳамиша миннатли.**

* * *

**Ҳақини олдиндан олган кўпинча ишни кейинга суради.**

* * *

**Ори баландга яшаш қийин бўлади.**

* * *

**Кекчи одамдан яхшилик кутманг.**

* * *

**Жаҳолат азалий ва абадийдир.**

* * *

**Тамагирнинг кўзи бировнинг дастурхонида.**

* * *

**Ҳар бир давр ўз талабини қўяди.**

* * *

**Чуқур кетган ғарқ бўлар.**

* * *

**Тушунмаслигини кечириш мумкин, лекин тушунишни хоҳламаслигини кечириб бўлмайди.**

* * *

**Соғлиқ каби вақтнинг ҳам қадри ўтганда билинади.**

* * *

**Айблаш осон, оқлаш қийин.**

* * *

**Истеъдодни рўёбга чиқариш ҳар кимнинг ўз қўлида.**

* * *

**Ортга сурганинг билан муаммони биров ҳал қилиб бермайди.**

* * *

**Бетоқатлик ақлнинг етишмаслигидан.**

* * *

**Тинчлик бўлмаса, соғлиқ ҳам йўқ.**

* * *

**Қийшайган дарахтга тирговуч қўйилади. Омонат бахтни тирговуч тутиб қололмайди.**

# КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

***Яшнобод туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги 216-мактабнинг битирувчи ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида "Мустақил ҳаёт остонасидаги орзуларим" мавзуида очиқ мулоқот ташкил этилди.***

Тадбирда сўз олган Яшнобод туман ҳокими ўринбосари Шерзод Зуфаров, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Яшнобод туман Кенгаши раиси Фаррух Маҳмудхўжаев ва бошқалар юртимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиши, ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилгани, бундай имкониятлардан улар қай даражада фойдалана олаётгани ва бу йўлда дуч келинаётган муаммоларга тўхталиб ўтишди.

— XXI аср – интеллектуал, капитал асри, — дейди мактаб директори Саодат Бердимуратова. — Бундан кейин моддий бойликлари кўп, армияси кучли мамлакатлар эмас, балки инсон капитали бой мамлакатлар дунёни бошқаради. Шундай экан, бугун ҳунарсиз, билимсиз киши худди кўзини боғлаб йўлга чиққан одамга ўхшайди. Кўпинча болаларимизни яхши тарбиялашимиз керак, деймиз. Аслида, уларни мустақил ҳаётга тарбиялашимиз керак, десак айни муддао бўлар эди.

Шунингдек, тадбирда бугун ҳар бир ота-она ўзига: "Менинг фарзандим мустақил ҳаётга тайёрми?" деган саволни бериши лозимлиги, уларни таълим муассасаларида олаётган билимларини назорат қилиши ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ташкил этилган дарсларни бевосита кузатиб бориши зарурлиги айтиб ўтилди. Келажакда тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги бор ёшлар Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши томонидан қўллаб-қувватланиши айтилиб, келажакдаги орзулари сари дадил қадам ташлашлари таъкидланди.

Тадбир сўнггида мактабнинг иқтидорли ўқувчилари томонидан чиқишлар намойиш этилди.

**Зарина РУСТАМОВА**

Ўқинг, қизиқ!

# ТУШЛИКДАН КЕЙИН НИМА МУМКИН ЭМАС?

***Овқат тановул қилиш организм соғлиги ва ҳаётий фаолияти учун муҳим ҳисобланади.***

Бироқ таом фақат фойда келтириши учун бир неча ман этилган жиҳатларни ҳисобга олиш керак. Ана ўшанда у организм томонидан яхши ўзлаштирилади.

**Чекиш.** Бу одат зарарли экани ҳақида эслатиб ўтиш шартмикан? Агар овқатдан кейин сигарет чекилса, зарарли таъсир ўн марта ортади. Ҳазм қилиш жараёни ёмонлашади, томирларда сиқилиш юз беради, қон эса керакли кислороддан маҳрум бўлади.

**Чой.** Овқатдан кейин меъда ширасига аралашмаслиги учун чой ичиш тавсия этилмайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, чойда оқсил ўзлаштирилишига халақит берадиган кислоталар бор.

**Мевалар.** Аъло даражадаги десерт бўлиб кўринади. Уларни овқат тановул этишдан камида бир соат аввал еган маъқул. Мевалар овқат ҳазм бўлиш жараёнини анча секинлаштиради.

**Уйқу.** Яна унга ҳам навбат етди. Гап шундаки, ухлаб қолсак, организмнинг барча тизимлари ҳам уйқуга кетади. Шундай қилиб, тушлик ошқозонда чиришни бошлайди.

**Ванна ва душ.** Бундай таомиллар оёқ ва қўлларда қон айланишини тезлаштиради. Ошқозонда эса қоннинг қочиши юз беради.

**Спорт.** Машғулотлар вақтида барча тизимлар ишга тушади. Овқатдан кейин машғулотлар учун тонус бўлмайди. Бундан ташқари, овқат ҳазм бўлиш жараёни ҳам кам ҳажмда юз беради.

**Белдаги камар.** Агар ортиқча еб юборган бўлсангиз, камарни бўшатманг. Айнан у истеъмол қилинганларни ошқозонда муайян ҳолатда ушлаб туришга ёрдам беради. Кийим "бўшатилиши" билан юк органга тушади, дарҳол қуйилган қон эса ҳазм қилиш жараёнини блоклайди.

Қилмиш – қидирмиш

# ПОРАХЎРЛИК – ИЛЛАТ

***Малика таниши Ирода (исм-шарифлар ўзгартирилган) билан 2018 йилнинг июль ойи бошларида қизи Лобарни боғчага жойлаштириш мақсадида йўлга отланишди.***

МТМга бориб мудирага учрашишди. Мудира Наргиза Зиёдова давлат хизматлари марказига бориб, ўша ердан қўнғироқ қилса, марказ ходимларига бўш ўрин борлиги ҳақида маълумот беришини, шундагина марказ томонидан йўлланма берилишини, бунинг учун боғчага қум-шағал келтириб беришини айтди.

Ирода қурилиш маҳсулотларини тушунмаслигини айтганида, мудира: "Бўлмаса пулини олиб келиб берсангиз ҳам бўлади", деди. Шундан сўнг, керакли ҳужжатлар рўйхатини олиб уйга қайтишди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Ироданинг соғлиги ёмонлашгани сабаб Малика боғчага ўзи борди, мудирага аввалги сафар келиб учрашиб кетганларини эслатди.

Мудира ҳам Маликага 10 қоп цемент воқеасини эслатди. "Цемент бўлмаса, боланинг туғилганлик гувоҳномаси ҳамда 400 минг сўм пул олиб келиб беринглар", деди.

Ўша куни М.Муродова ўйлаб кўриб, бу ҳақда тегишли ташкилот ходимларига хабар берди.

20 июль куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари томонидан Н.Зиёдова ўзининг "Ласетти" машинасида 400 минг сўм пулни олган вақтда қўлга олинди.

Боғча мудираси устидан 2018 йил сентябрь ойида суд бўлиб ўтди. Суд Н.Зиёдовани ЖКнинг 210-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топиб, унга шу модда билан бир йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 2 йил озодликдан чеклаш жазоси тайинлади.

**Элёр АҲМЕДОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Яшнобод тумани бўлими катта суриштирувчиси**

# МАБЛАҒЛАРНИ ЎМАРГАН "БАНКИР"

***Қаҳрамонимиз Собир Охунов (исм-шарифлар ўзгартирилган) илгари тижорат банкларидан бирида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. Ундан сўнг МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаб келаётган эди.***

У мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансаб сохтакорлиги жиноятини содир қилган.

С.Охунов ТИФ "Миллий банк"нинг Тошкент шаҳар "Янгиобод" филиали бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келиб, ўзига қарашли фирмага 12 ой имтиёзли даврга 6 дона "Ласетти" русумли автомашина сотиб олиш учун ажратилган 300 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағларини қайтарилишини амалдаги қонунлар ва низом талабларига зид равишда кредит бўйича ҳосил бўлган қарздорликни сохта ҳужжатлар тузиш йўли билан ҳисоботдан яширган.

Бундан ташқари, бош ҳисобчи С.Охунов отасининг номидан сохта ариза ёзиб, 14 млн. сўмга йирик шохли қорамол сотиб олиш учун сохта ҳужжатлар тайёрлаган. Синглиси номига очилган пластик картага маблағ туширган. С.Охунов ўз манфаатини ўйлаб, бойлик орттириш мақсадида отаси, синглиси, турмуш ўртоғи, қайинукаси, қариндошлари, танишлари ҳужжатларидан кредит расмийлаштиришда фойдаланган. Ва давлатга жуда катта миқдорда зарар етказган. Кредит маблағлари мақсадсиз ишлатилган.

С.Охунов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлди. У ЖКнинг бир қатор моддалари билан айбли деб топилди. Суд судланувчига жазо чораси ва миқдорини белгилашда унинг муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, фуқаровий даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги, оилавий аҳволи, икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, ҳозирда ижтимоий меҳнат – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, маълум муддатга моддий жавобгарлик вазифаларида ишлашдан маҳрум қилиб, 2 йил озодликдан чеклаш жазосини қўллади.

**Ўктам ЖОВЛИЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Яшнобод тумани бўлими катта инспектори**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 2-4, кундузи – 12-14 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 246
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2358 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.25
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5